



Абдулҳамид Чўлпоннинг мумтоз адабий манбаларга муносабати

Azimova Ziyoda Ergashevna
Artikova Muhayyo Botiraliyevna
Qodirov Valijon Abdurahmanovich
Хасанов Шаробидин Азамович
Муқаддас Тожибоева
Абдурахимовна

Andijon davlat pedagogika instituti
o'qituvchilari

Аннотация: Чўлпоннинг мумтоз адабиёт манбаларига муносабати масаласи “Улуғ ҳинди” асари, “500 йил”, Жаҳон отин Увайсий ижодига бағишланган мақолаларида кескин акс этган. Чўлпон мумтоз адабиётга юзланганда, унинг кўр-кўрона тақлидчиси эмас, балки миллий анъаналарни янги заминга пайванд қила оладиган адабий асарлар ёзиш кераклигини уқтирадики, мазкур моқоламизда ана шу масалалар ёритилган.

Таянч сўзлар: мумтоз адабий манбалар, жадид адабиёти, адабий-тарихий ворислик, анъанавий, новаторлик.

Отношение Абдулхамид Чулпана к классическим литературным источникам

Аннотация: Вопрос отношения Чулпана к классическим литературным источникам остро отражен в его трудах «Великий Индиец», «500 лет», статьях, посвященных творчеству Джахан атин Увайси. Когда Чулпон обратился к классической литературе, он понял, что ему не следует быть слепым ее подражателем, а, напротив, писать литературные произведения, которые могли бы связать национальные традиции с новой почвой, и в данной статье рассматриваются эти вопросы.

Ключевые слова: классические литературные источники, современная литература, историко-литературное наследие, традиция, новаторство.

Abdulhamid Chulpan's attitude to classical literary sources

Abstract: The issue of Chulpan's attitude to classical literary sources is sharply reflected in his works "The Great Indian", "500 Years", articles devoted to the work of Jahan atin Uvaysi. When Chulpon turned to classical literature, he realized that he should

not be its blind imitator, but, on the contrary, write literary works that could connect national traditions with new soil, and this article examines these issues.

Keywords: classical literary sources, modern literature, historical and literary heritage, tradition, innovation

Ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги тарихи асрлар давомида такомиллашгани боис миллий-маънавий меросимиз, кўхна адабиётимиз, XX аср миллий уйғониш ҳамда жадид адабиётида ҳам, бугунги кун адабиётимизда ҳам собит асос вазифасини бажариб келаётир. Мумтоз адабий манбаларга мурожаат унинг мазмун ва шаклий имкониятларидан фойдаланиш орқали шу кун адабиётини юксакликка кўтаришга эришди ва бу ҳаракат ҳозирги адабиёт учун ҳам асқотарли нуқталардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Бу адабий-тарихий ворислик ўзбек адабиётининг бугуни ва эртаси учун муайян миқёсда мезон бўлишга арзирли ҳолдир.

Жадид адиб ва мунаққидлари мумтоз адабиётга миллий адабиётнинг ўзаги сифатида ёндошар эканлар, уларни аввало, мана шу мумтоз адабиёт дунёсидан замона адабиётига ва келажакка арзирли манбалар ахтарганини ва ўзларининг асарларида ҳам мана шу беназир чашмага мурожат этиш йўллари кўрсатиб берганлар.

Чўлпоннинг мумтоз адабиёт намуналарига муносабати “Ўзбек билим хайъати” эътиборига ҳавола қилинган “500 йил” мақоласида очик кўринади [1. 47-48.]. Муаллиф Навоийнинг ҳижрий-қамарий йил ҳисобида 500 йиллик тантанасини ўтказиш талаби билан мурожаат қилиб, “Навоийнинг босилмаган асарларини топиб, босдиришга лозим кўрилганларини босдириш чорасини кўриш” ва Навоийнинг мукамал таржимаи ҳолини эълон қилинишини талаб қилади. Бошқа бир мақоласи “Шоҳнома”нинг туркча таржумаси”да Озарбайжон адиби Алиаскар Собир томонидан нашр қилинган ва Тифлисида “Ғайрат” босмаҳонасида чоп этилган достоннинг “Сухроб” қисми ҳақида сўз юритади ва бу мумтоз достоннинг таржима этилиши янги яратилажак достонларга бир йўлланма бўлиши мумкинлигини эслатади.

Чўлпоннинг мумтоз адабиёт манбаларига муносабати масаласи кескин акс этган мақолаларидан бири “Улуғ ҳинди” асаридир [2. 56-58.]. Мақолада ёзилишича, “Эски адабиёт билан янги адабиётнинг ўртасида қолғон шарқли ёш чинакам чучмал бир вазиятдадир. Эски адабиёт бир ширин, янгиси яна ширин, ғарбники тагин – яна ширин. Қайси биттасига кўпроқ берилсин? Бири биридан ширин ахир!” дея мумтоз манбаларнинг қайси бирига мурожаат қилишда “йўлсизлик” ҳолини сўзлаб ўтади. Мумтоз шоирлардаги “бир хил”лик Чўлпонни қониқтирмайди. Аввало, бу ерда бир хил деганда шоир кўпроқ вазн хусусиятини назарда тутган. Қолаверса, мумтоз асарлардаги анъанавий зачин ва бошланмаларнинг ҳам бир йўсинда экани шоирни мураккаб ҳолга солади ва Шарқу Ғарб ўртасида “олтун кўпрук” яратган Тагор ижодига юзланади. Бундан ташқари татар, озарбойжон, турк насридаги айрим асарларни ҳам санаб ўтаркан, “улар шу қадар озки...” деган хулосага келади. Чўлпон бу ўринда мумтоз адабиётни, айниқса, шеърятни бутунлай рад қилмайди, балки янги ғарб руҳидаги реалистик насрга ташна эканлигини ёзади. Шунингдек, анъананинг бутунлай йўқ

бўлиши тарафдори эмас, балки анъанавийлик билан замонавийлик ўртасига “олтун кўпрук” қурган Тагорни эътироф этмоқчи бўлган. Чўлпоннинг бу қарашлари унинг “Тагўр ва тагўршунослик”, “Тагор кимдир?” каби мақолаларида янада аниқроқ кўринади. “Тагорнинг энг катта ва Шарқ руҳи билан Ғарб асосини бирлаштирган асари” хусусида гапираркан, шоир уни бир адабий мактаб сингари таништиради. Мумтоз адабиёт вакиласи Жаҳон отин Увайсий ижодига махсус мақола бағишлаган Чўлпон шоиранинг “Карбалоннома”, “Девон”, “Хитой сафари” (Муҳамадалихонга бағишланган) асарларига баҳо бериб, унинг бадиҳагўйликда шуҳрат қозонгани ва бир тўртликда “анорни қандай гўзал ва санъаткорона тасвир қилган”ини таъкидлайди. Бу мақола кўрсатадики, Чўлпон мумтоз адабиётга қарши эмас, аксинча, унинг энг яхши намуналарини қадрлайди. Бироқ мумтоз адабиётга юзланганда, унинг кўр-кўрона тақлидчиси эмас, балки миллий анъаналарни янги заминга пайванд қила оладиган адабий асарлар ёзиш кераклигини уқтиради. Бундай фикрнинг давомини унинг “Базм-чолғу тўдаси” мақоласида ҳам ўқиймиз: “Чинакам бизнинг чолғимиз йўқолиб кетишидан сақланмоғи лозим, куйларимиз унутулиш ва бузулишдан асралмаги даркор. Кўпдан бери даркор бўлган бугун кеч бўлса-да тузулибдир. Яшасун яшнасун, бизнинг кутган тилаklarимизни берсун. Бизнинг вазифамиз – ўшаларни тор бурчаклардан кенг майдонларга олиб чиқиш, ўсдириш, парвариш қилиш, тарбия беришдир”. Бу сўзлар тамомила мумтоз адабиётга ва унинг юксак адабий тури бўлган шеъриятга ҳам тааллуқлидир. XX аср ўзбек адабиётининг юқори миқёсларга, кенг уфқларга чиқишида ўзбек адабиёти тарихи ҳамда адабиёт назариясини чуқур ўрганиш бу давр адиблари учун бош масалалардан бири бўлди. Ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги тарихи асрлар давомида такомиллашгани боис миллий–маънавий меросимиз, кўҳна адабиётимиз, нафақат XX аср миллий уйғониш ҳамда жаид шеъриятининг, балки бугунги кун адабиётининг ҳам собит асоси ва ворислиги вазифасини бажариб келаётир. Бу адабий-тарихий ворислик ўзбек адабиётининг бугуни ва эртаси учун муайян миқёсда мезон бўлиб хизмат қилди.

Adabiyotlar ro'yhati

1. YO'LDOSHEV, Q. O. Z. O. Q. B. O. Y., et al. "Adabiyot." Toshkent-2019.
2. Qodirov, Valijon. "Reflections on the formation of reflexive abilities in preschool education." Science and innovation 2.B11 (2023): 150-153.
3. Kadirov, Valijon, and Dildora Abdullajonova. "FICTION IS A FACTOR IN THE FORMATION OF NATIONAL EDUCATION AND SPIRITUALITY IN CHILDREN." Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры 2.3 (2022): 124-127.
4. Хасанов, Шаробидин Азамович. "ТЕХНОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ АНАЛИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У УЧАЩИХСЯ В ПРОЦЕССЕ ЛИТЕРАТУРНОГО ОБУЧЕНИЯ." INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILOSOPHY, SOCIOLOGY, HISTORY AND POLITICAL SCIENCE. 2018.

5. Ibraimov, X., Z. Azimova, and Z. Otaboeva. "Pedagogical peculiarities of studying group solidarity in the student community." *Science and innovation* 2.B12 (2023): 108-113.
6. Азимова, Зиёда Эргашевна. "Олий ўқув муассасаси маънавий-маърифий ишларининг педагогик назария ва амалиётда тутган ўрни." *Современное образование (Узбекистан)* 2 (2018): 26-35.
7. Artikova, M. "DEMAND FOR A COMPETENCY-BASED APPROACH TO THE ACTIVITIES OF TEACHERS IN MODERN CONDITIONS." (2021).
8. Artikova, Muhayo Botiraliyeva. "Experience In Developing Entrepreneurship Skills In Foreign Countries." *Scientific Bulletin of Namangan State University* 1.7 (2019): 250-255.
9. Artikova, Muhayo Botiraliyeva. "PECULIARITIES OF METHODOLOGICAL WORK IN PREPARING PRESCHOOL CHILDREN FOR SCHOOL." *Science and Education* 2.1 (2021): 297-300.
10. Artikova, M. B. "THE FACTORS OF BRINGING CHILDREN UP IN THE MOOD OF MATERIAL AND SPIRITUAL INTEGRATED LIFE IN THE FAMILY (AS AN EXAMPLE OF PRIMARY SCHOOL AGE)." *THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука* 6 (2018): 269-272.
11. Tojiboeva, Muqaddas, Nargiza Sattarova, and Nazokat Qanoatova. "Tradition In Abdulla Avloni's Poetry." *JournalNX* 7.11 (2021): 166-171.
12. Таджибаева, Мукаддас Абдурахимовна. "Традиционные образы в узбекской джадидской поэзии." *Проблемы востоковедения* 2 (56) (2012): 53-58.
13. Tojiboyeva, Ffd MUQADDAS, and Vositov Shavkatbek. "FOLLOW-UP, STABILITY, AND ARTISTIC DISCOVERY IN JADID LITERATURE." *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology* 17.6 (2020): 14576-14581.
14. Azimova, Ziyoda, Muhayo Artikova, and Valijon Qodirov. "TA'LIMIY O 'YINLAR MTT VA OILA HAMKORLIGINI MUSTAHKAMLASH VOSITASI SIFATIDA." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 87-93.
15. Azimova, Ziyoda, Muhayo Artikova, and Valijon Qodirov. "EKOLOGIK ONG VA AXLOQNING IJTIMOIIY-EKOLOGIK MADANIYATNI RIVOJLANTIRISHDAGI ROLI." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 94-100.
16. Хасанов, Шаробидин, and Мукаддас Тожибоева. "ЖАДИДЧИЛИК ДАВРИ АДАБИЁТИДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҲОЯЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 101-106.
17. Azimova, Ziyoda, Muhayo Artikova, and Valijon Qodirov. "Pedagogik kadrlarni tayyorlashda sun'iy intellekt asosida interaktiv o 'quv muhitini tashkil etish." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 107-112.
18. Azimova, Ziyoda, Muhayo Artikova, and Valijon Qodirov. "MTTDA BADIY ADABIYOT BILAN TANISHTIRISH VA BOLALAR NUTQINI O 'STIRISH YUZASIDAN MULOHAZALAR." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 113-117.